Архив маълумотларига кўра, XX аср бошларида Жиззах уездининг 93 та қишлоғини ўз ичига олган Сангзор ариқ оқсоқоллигига тегишли умумий узунлиги 409 верст²⁶ бўлган 29 та шох ариқ²⁷ ва ундан бош олган 855 та ариқ²⁸ халққа таникли, обрў-эътиборли, ҳалол, ёши улуғ 67 нафар сайланган мироблар томонидан назорат қилинган²⁹ бўлса, кейинчалик совет ҳокимияти бошқарув тизимининг сувдан фойдаланиш тартибига фаол аралашуви натижасида мироблик жамиятнинг анъанавий институти сифатида расман йўқ қилинди. Айнан советлар даврида миробларнинг вазифалари ўзгариб, улар асосан магистрал каналлар бошқармаларида жамоа ва совет хўжалиги ерига сув тақсимотини назорат қилиш билан шуғулланувчи сувчи, уста сувчи, бош сувчи, сув бошлиғи, ирригатор, мелиоратор, гидротехник каби қатор янги номлар билан атала бошланди ва ҳозирда ҳам кенг қўлланилмоқда³⁰. Мустақиллик йилларида миробларга катта эҳтиёж сезила бошлади. Чунки минтақада аҳоли сонининг кўпайиши ва суғориладиган ерларнинг кенгайтирилиши каби омиллар сув тақсимооти муаммосини долзарб масалалардан бирига айлантди. Шу боис анъанавий мироблик институти билан боғлиқ билим ва кўникмаларга эга бўлган тажрибали мутахассислар хизматидан кенг фойдаланила бошланди.

Шундай қилиб, тоғ ҳудудлар аҳолисининг деҳқончилик хўжалиги анъаналаридаги ўзгаришлар ва этноиктисодий янгиланишларда институционал бирдамлик, ўзаро ижтимоий ёрдам муаммоларини биргаликда ҳал қилиш, ҳар қандай ишда жамоавийлик ва кўпчилик манфаатларининг устун туришини кўрамиз. Чунки бундай ички бирликнинг юқори даражаси тоғли ҳудудларда яшашнинг ўзига хос қийинчиликлари билан ҳам боғлиқдир.

Диссертациянинг иккинчи боби иккинчи параграфида *“Тоғ ва тоғолди чорвадор аҳолисининг иқтисодий таъминот яратиш тизимида анъаналар ва янгиланишлар”* масаласи ёритилган бўлиб, унда Сангзор-Зомин минтақасидаги тарихан шаклланган кўра-яйлов чорвачилиги ва оғил (боғлаб боқиладиган) чорвачилиги, XX аср давомидаги чорва сони, кўйчилик-эчкичилик, қорамолчилик, йилқичилик соҳаларининг минтақадаги ривожланиш босқичлари, чорвадорлар орасидаги “ошначилик” институти, чорвачиликдаги анъаналар ва янгиланишлар таҳлил қилинган.

Ўтмишда чорвачилик асосий соҳа бўлган тоғ ва тоғолди ҳудуди ҳисобланган Сангзор-Зомин минтақаси қишлоқ аҳолиси орасида оила хўжалигининг иқтисодий асоси илгари ҳам, ҳозир ҳам унинг бисотидаги чорва моллари сони билан белгиланиши, кизикарлиси ҳозиргача тўйлардаги тўёна бир килограмм гўштнинг нархига нисбат қилиниб тўй дафтарига ёзиб қўйилаётганидан ҳам унинг этноиктисодий жараёнлардаги аҳамияти қай

²⁶ 409 верст – 436 км 403 метрни ташкил этади.

²⁷ Morrison A.S. Russian rule in Samarkand 1868-1910 A Comparison with British India / Submitted in fulfilment of the requirements for the degree of doctor of philosophy at the University of Oxford 5th July 2005. – Pp.186-187, 189.

²⁸ ЎзР МДА. И-21-жамғарма, 1-рўйхат, 610-иш, 72 варақ.

²⁹ ЎзР МДА. И-21-жамғарма, 1-рўйхат, 610-иш, 72 варақ.

³⁰ Аширов А. Ўзбек маданиятида сув. – Тошкент: Akademyashr, 2020. – Б. 172.

даражада юкорилигини билиш мумкин³¹.

XX аср биринчи чорагида Сангзор-Зомин минтақасида чорвачилик нафақат кўчманчи ва ярим ўтроқ аҳоли турмуш тарзида, балки деҳқончилик хўжалигида ҳам ёрдамчи зарур таркибий қисми сифатида муҳим ўринга эга бўлган. Чорвадор аҳолининг иқтисодий таъминот яратиш тизимида гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, тери, жун ва иш ҳайвонлари (от, эшак, хўкиз, туя), ер ҳосилдорлигини оширишда ўғит, ҳамда заҳира сармоя билан таъминлаган.

XX асрнинг 50-60 йилларига қадар, чорвачилик соҳасида юритилган советлар сиёсати (жамоалаштириш, кулоқлаштириш, национализация)нинг салбий оқибатлари Сангзор-Зомин минтақаси чорвадорларини ҳам четлаб ўтмади. Натижада, чорвадор оилаларнинг иқтисодий таъминот тизими ва анъаналарига, хусусан, чорванинг оила бюджетининг заҳира манбаси сифатидаги аҳамияти камайди³².

Чорвадор аҳолининг иқтисодий таъминот яратиш тизимидаги “ошначилик” институтини муҳим ижобий анъаналардан бири сифатида қайд этиш мумкин. XX асрнинг 60-80 йилларигача тоғли ҳудуддан бўлган чорвадорнинг бозори бор қишлоқда ёки шаҳарда “ошнаси” (дўсти) бўлиши, яъни “тутинган ака ёки укаси”, “савдо бўйича ишончли кишиси” бўлиш одати кенг тарқалган эди. Эътиборли томони ҳозирги кунга қадар оддий савдо билан шуғулланувчи айрим кишилар ўртасида айнан шундай одатнинг сақланиб қолиши кузатилмоқда. Шаҳарлик (тутинган қариндош) унга мол сотишда, даллол сифатида, шунингдек, зарурий маҳсулотларни арзон нархда сотиб олишда кўмак берган. Улар ўртасидаги ҳисоб-китоб ўзаро ёрдам ёки “ҳадя” тариқасида амалга оширилган. Жумладан, Оққўрғон қишлоғида истиқомат қилувчи Асат Холмаматовнинг айтишича, бугунги кунда Жиззах шаҳри Хайриобод маҳалласида истиқомат қилувчи “тутинган укаси”нинг ёрдами учун унга гўшт, ёғ, тери ва боғидаги олмаларидан олиб бориб “ҳадя” бериб турар экан. Ўз ўрнида шаҳарлик “тутинган ука” тўй-маъракаларида энг яқин қариндошдан зиёд хизмат қилган³³.

Хулоса қилиб айтганда, чорвадорлар иқтисодий манфаатдорлик келтирувчи мазкур хўжалик йўналишини узоқ даврлар мобайнида тўпланган ҳамда сақланиб қолган амалий тажриба, билим ҳамда кўникмаларга таянган ҳолда ҳамда “ошначилик” институти орқали авлоддан – авлодга етказишга ҳаракат қилишган.

Диссертациянинг иккинчи боби учинчи параграфи “*Уй ҳунармандчилиги анъаналарининг этноиқтисодиётда тутган ўрни*”га бағишланган бўлиб, унда XX аср давомида юз берган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг уй ҳунармандчилиги ва касбларига таъсири, кустар типидagi ишлаб чиқариш устахоналари, унда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қиймати ва аҳамияти, уй-рўзғор касблари ҳисобланган тўқимачилик, каштачилик, тикувчилик ҳолати, ҳунармандчиликдаги “устоз-шогирд” тизими муҳокама қилинган.

³¹ Дала ёзувлари. Бахмал тумани, Оққўрғон қишлоғи. 2019 йил.

³² ЎзР МДА. И-21-жамғарма, 1-рўйхат, 632-иш, 233-варак.

³³ Дала ёзувлари. Бахмал тумани, Оққўрғон қишлоғи. 2018 йил.

Тог ва тоғолди ҳудудлари аҳолисида ҳунармандчилик азалдан деҳқончилик ва чорвачиликка ёрдамчи соҳа бўлиб келган. Ҳудуд аҳолиси ҳунармандчилик билан алоҳида соҳа сифатида деярли шуғулланмаганлар. Қишлоқларда ўз эҳтиёжлари ёки буюртмачиларга маҳсулот ишлаб тайёрлаб берадиган ҳунармандларнинг сони кўп бўлсада, аксари ҳолларда улар статистик маълумотларда қайд этилмаган. Бу тоифадаги ҳунармандлар фаолиятини аксари ўз уйларида олиб боришган. Чунки қишлоқ ҳунармандларининг кўпчилиги деҳқончилик ва чорвачиликдан бутунлай ажралмаган. Улар ишдан бўш вақтларидагина ҳунармандчилик билан шуғулланганлар³⁴. Бундай турдаги уй ҳунармандчилиги ва уй-рўзгор касблари билан шуғулланувчилар ҳозирга қадар сақланиб келмоқда.

Сангзор-Зомин минтақасида XX аср бошларида кустар типидagi ишлаб чиқариш корхоналари кўп бўлмаган. Жумладан, архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, 1904 йил Жиззах уезида 13 та ганчкорлик (9 таси қишлоқ ҳудудида), 8 та ғишт (1 та қишлоқ ҳудудида), 50 та темирчилик устахоналари (34 таси қишлоқ ҳудудида) қайд этилган. Мазкур маҳаллий кичик кустар завод ва устахоналарда 168 нафар (шундан 113 нафари темирчи) ҳунарманд иш билан банд бўлиб, йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулот жами 11045 рубллик бўлиб, уларнинг 6550 рубли айнан темирчилик устахоналари ҳиссасига тўғри келган. Ҳужжатлар темирчилик устахоналари айнан тоғли туман қишлоқларида нисбатан даромадли бўлганлигини кўрсатади³⁵.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Сангзор-Зомин минтақасида машҳур Хўжанд ипак матолари ёки Накрут патли гиламлари каби донг таратган ҳунармандчилик маҳсулотлари бўлмаган. Аммо, бу ерда айниқса, Бахмал тумани Новқа қишлоғи эгарчилик бўйича, нафақат республика, балки Ўрта Осиё мамлакатлари чавандозлари орасида ҳам ниҳоятда машҳур бўлган.

Сангзор-Зомин минтақасида яна майда уй ҳунармандчилиги ва рўзгор касблари, яъни ёғочдан ясалган рўзгор буюмлари, куви, зулча (зулварақ), қоп-хуржун, арқон тўқиш, кашта маҳсулотлари сотувга чиқарилган, биз ушбу майда ҳунармандчиликнинг нисбатан ривожланганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин³⁶. Ахборотчи Абдурашидова Ойдин опанинг қайд этишича, 1960 йилларда машина жуда кам бўлганлиги боис от, эшакларда буғдой ташиш учун холхуржун, араби хуржун (3 кг от ёли кўшилган жундан тўқилган) 4-5 кун ичида тўқилиб, уни донга айрибошлаган³⁷. Олиб борилган дала тадқиқотлари давомида, мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида ҳам Сангзор-Зомин минтақасида ғожари олача, қоқма олача, жулпат (зулварақ), патли гилам, палос тўқиш, кигиз босиш каби ҳунарлар оила этноиктисодида муҳим ўрин эгаллаб келганлигини кўрсатди.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, тоғлик аҳолига хос ҳаракатчанлик, мўлжалли ва тежамкор бўлиш, хушёрлик ва тадбиркорлик мазкур ҳудудда

³⁴ Тошев Х, Ўроков М. XIX аср охири ва XX аср бошларида Зарафшон воҳаси қишлоқ аҳолисининг ҳунармандчилиги. – Тошкент, 1981. – Б. 25.

³⁵ ЎзР МДА. И-21-жамғарма, 1-рўйхат, 632-иш, 206-варақ.

³⁶ ЎзР МДА. И-18-жамғарма, 1-рўйхат, 10762-иш, 47-варақ.

³⁷ Дала ёзувлари. Бахмал тумани, Қиркқишлоқ қишлоғи, 2019 йил.

яшовчиларнинг ҳаёт тарзи, турмуш шароити, урф-одати, хулқ-атворини белгилаб бериши билан бирга, “устоз-шогирд” анъанаси орқали уй ҳунармандчилигига бўлган қизиқиш ва эътиборни кучайиб боришига омил бўлмоқда.

Иккинчи бобнинг тўртинчи параграфи “*Тоғли аҳоли ҳаётида товар айрибошлаш ва савдонинг ўрни*” деб номланади. XX аср бошларида Туркистон ўлкасида бозор муносабатларининг ривожланиши натижасида Сангзор-Зомин минтақасида ҳам ишлаб чиқарувчи кучлар ва муносабатлар таракқий этди. Натижада шаҳар ва қишлоқлар савдо-сотик, ҳунармандчилик ва тадбиркорликнинг янада ривожланиши, ишлаб чиқариш жараёнларининг тезлашиши каби ҳолатлар юз берди³⁸. Ички ва ташқи савдонинг ўсиши маҳаллий аҳоли этноиктисодий ҳаётида ўзгаришларга улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг товар даражасининг ошишига ва янги даромад манбаларининг пайдо бўлишига олиб келди.

XX аср бошларида Сангзор-Зомин минтақасидаги Янгиқўрғон, Нўшкен, Ўсмаат, Жиззах, Зомин каби йирик ва маҳаллий аҳамиятга доир кичик 33 та бозорлар Бешкурук, Авлиё қишлоқ жамоалари ва Сангзор волостининг қишлоқлари аҳолисининг кундалик эҳтиёжлари учун хизмат қиладиган Тошлоқ бозори маҳсулотни олди-сотти қилишда, айрибошлашда, кундалик турмуш учун зарур бўлган маҳсулотларни харид қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган³⁹. Сангзор-Зомин минтақасида истиқомат қилувчи савдогарлар ҳафтанинг маълум кунлари давомида қўшни ҳудудлардаги йирик Ургут бозори (сешанба ва шанба) ва Панжикент, Янгиқўрғон бозорлари (пайшанба), Жума ва Ўсмаат бозори (душанба), Чуқур бозор (сешанба), Боғатепа бозори (чоршанба), Нўшкен ва Янгиқўрғон бозорлари (чоршанба), Жомбой бозори (шанба)га ўз товарларини олиб бориб сотиш имкониятига эга бўлишган⁴⁰.

Қайд этиш лозимки, XX аср давомида юқоридаги йирик бозорлар бутун Сангзор-Зомин минтақаси аҳолиси иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган бўлсада, маҳаллий аҳамиятга доир кичик бозорлар аҳоли кундалик эҳтиёжини қондириш ҳамда йирик савдогарларга катта бозорларда ўтмай қолган ортиқча маҳсулотларини сотиш учун “келишув жойи” вазифасини ўтайдиган манзил сифатида⁴¹ муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Шундай экан, мустақиллик йилларига келиб ҳам бозорлар нафақат шаҳарлардаги, балки унинг атрофидаги қишлоқлар аҳолиси иқтисодий ҳаётининг ривожланишига ҳам ижобий туртки бўлаётганлигини таъкидлаш лозим.

Диссертациянинг учинчи боби “**Сангзор-Зомин минтақасидаги**

³⁸ Тухтабеков К.А. Чор Россиясининг Биринчи жаҳон уруши йилларида Туркистон ўлкасида ўтказган иқтисодий сиёсатининг мустамлакачилик моҳияти. 07.00.01. Ўзбекистон тарихи. Тар. фан. ном... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – Б.14; Мусаев Н. XIX асрнинг II ярми – XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. – Тошкент, 2008. – Б.28.

³⁹ Вирский Н.М. Очерк Яны-Курганской волости Джизакского уезда Самаркандской области // Справочная книжка Самаркандской области. Выпуск. X. – Самарканд, 1912. – С. 60.

⁴⁰ Мансырев С.П. Базарная торговля в Самаркандском уезде // Справочная книжка Самаркандской области. 1898, Выпуск VI. – Самарканд, 1899. – С.106.

⁴¹ Дала ёзувлари. Бахмал тумани, Чуввиллоқ қишлоғи. 2010 йил.

этноиктисодий жараёнларнинг қишлоқ аҳолиси турмуш тарзига таъсири (оила ракурсида)” дея номланиб, XX аср давомида юз берган сиёсий-иктисодий, ижтимоий ўзгаришлар, ҳамда уларнинг тоғ ва тоғолди худуд аҳолисининг оила тури ва оила иктисоди, моддий маданиятидаги инновациялар, шу билан бирга тўй харажатларининг оила ижтимоий-иктисодий ҳолатига таъсири сингари масалаларга бағишланган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи “XX асрда Сангзор-Зомин минтақасида оила иқтисоди: даромад ва харажатлардаги ўзгаришлар” деб номланиб, минтақадаги катта патриархал ва кичик (индивидуал) оила тури, аъзолари сони ўсиб ёки камайишининг динамикаси, аҳоли иқтисодий ҳаётида товар-пул муносабатларининг роли, корандалик ва ёлланма ишчи кучидан фойдаланишнинг кенгайиши, коллективлаштириш, уй хунармандчилиги маҳсулотларининг аксари бозор учун ишлаб чиқарилмаслиги, саноат корхоналарининг йўқлиги, жамоавий тартиб ва анъаналарнинг, узоқ вақт қариндошлик никоҳ муносабатларининг кучли сақланиб қолинганлиги каби омилларнинг оила иқтисоди ва даромадига таъсири масаласига бағишланган.

XX аср бошларида йирик оилалар иқтисодий асосини ер-мулк, чорва, хўжалик бинолари, қишлоқ хўжалиги меҳнат қуролилари ташкил қилиб, улардан биргаликда фойдаланиш ҳамда балоғат ёшидаги оиланинг барча аъзоларининг биргаликда меҳнат қилиб даромад олиши ташкил этган⁴². Шунингдек, йирик оилаларда аёлларнинг тикувчилик ва тўкувчиликдан ишлаб топгани, корандалик билан ишлаб топилган пул ҳам “умумий қозон”га ташланган.

XX асрнинг 30-40 йилларида амалга оширилган жамоалаштириш сиёсати туфайли Сангзор-Зомин минтақасидаги қишлоқ аҳолисининг оила этноиктисоди, даромад структурасида ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, колхозчиларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги тизимига асосланган “кунлик меҳнат”га натурал ҳақ тўланиши⁴³ натижасида рўзгор юритиш учун кўпчилик ўсмирлар, қиз ва аёллар еттинчи синфни тугатибоқ, колхозда оддий колхозчи сифатида ишлашга мажбур бўлган⁴⁴. 1960-йилларга келиб турфа (ҳатто ҳар бир туп мевали дарахт учун) солиқларнинг ортиши, даромаднинг асосий манбаси бўлган шахсий ёрдамчи хўжалик, томорқа участкаларидан келадиган даромаднинг камайишига олиб келди⁴⁵. 1965 йилдан бошлаб, колхоз ишчиларига нақд кўринишда ойлик маош берила бошланиши, томорқа учун солиқларнинг бекор қилиниши, аҳолининг турли ижтимоий тоифалари ва колхозчиларнинг умумий оила даромади шахсий хўжаликда етиштирилган маҳсулотни сотиш орқали юксала бошлаган ҳамда кўшимча даромад манбаси сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

XX асрнинг 80-90 йилларидан бошлаб, қишлоқ аҳолиси иқтисодий

⁴² Ташбаева Т.Х. Современная семья и семейный быт узбекского сельского населения: Автореф. дисс. док. ист. наук. – Ташкент, 1994. – С. 7.

⁴³ Дала ёзувлари. Бахмал тумани, Оққўрғон қишлоғи. 2019 йил.

⁴⁴ Қораев С., Абдурахимов С. Тамтум ва тамтумликлар. – Тошкент: Fikr media МЧЖ, 2007. – Б. 17.

⁴⁵ Ташбаева Т.Х., Савуров М.Д. Новое и традиционное в быту сельской семьи узбеков. – Ташкент: Фан, 1989. – С. 90.

даромадида нафақат анъанавий деҳқончилик, боғдорчилик (олма, ёнғоқ) маҳсулотлари, балки техник экинлар, жумладан, тамаки даромадли экинлар сирасига кира бошлади. Масалан, тамаки (эртаги ва кечки нави бўлиб, экиш оралиғи 20-30 кун фарқ қилган) Бирлашган, Қизилой, Иттифоқ, Парчаюз, Чолқишлоқда 80-йиллар бошларидан бошлаб экила бошланган. 80-йилларда келида туйилган бир килограмм тамаки 4 сўм, элакда элангани 5 сўм, 90-йиллар бошида 40-50 сўм (киёс учун ҳозирда бир килограмм тамаки 18-20 минг сўм, бир кило беда уруғи 22-30 минг сўмдан сотилмоқда)дан сотилган⁴⁶ лиги натижасида аҳолининг асосий даромад манбасига айланиб улгурганлиги мисол бўла олади.

Мустақиллик йилларига қадар, Зоминсубнинг юқори оқимларида жойлашган Арчали, Ўриклисой, Тоғтерак, Усмонлисой, Еттикечув, Қоронғисой, Қурисой, Сувлисой, Дуоба, Сарикамар каби қишлоқлари аҳолисининг асосий иқтисодий даромади чорвачилик (қўй-эчки, қорамолчилик) ва лалми деҳқончилик бўлган бўлса, 90-йиллардан кейин Ўриклида ёшлар сайёҳлик базаси, Тоғтеракдаги Усмонисойга ва Еттикечувда кўплаб болалар дам олиш лагерлари, Ўзбекистон қасаба уюшмаларига шаршара ҳудудидан астма касали билан қийналаётган беморларни даволаш учун Оналар ва болалар санаторийлари, чўлқуварлар дам олиш масканларининг қурилиши бу ерга республиканинг турли жойлардан ташриф буюрувчи кишилар, сайёҳлар сонини ошишга сабаб бўлди ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи чойхона, мини дам олиш масканларини кўпайиши маҳаллий аҳолининг даромадини ошишига олиб келди.

Диссертация учинчи бобининг иккинчи параграфи *“Тоғли туманлар аҳолиси моддий маданиятидаги ўзига хосликлар ва оилалар маиший турмуш тарзидаги ўзгаришлар”* деб номланади.

Ўтмишда, Сангзор-Зомин минтақасидаги қишлоқ уй-жойларнинг кўпчилиги пойдеворсиз оддий текисланган ерга қурилган⁴⁷, баъзан тош ёки бир-икки қатор пишган ғишт тўшалган, ерости сувлари яқин ва тузли, шўр ерларда пахса пойдеворига қамиш ёки чипта тўшаб девор кўтарилган⁴⁸ бўлса, ўтган асрнинг 40-50 йилларигача томларни ёпишда том ёпғич (шифер)лар бўлмаганлиги учун, ҳар йили томларни сомонли лой билан суваб турилган, қор ва ёмғир сувлари оқиб туриши учун унга сопол ёки ёғоч тарнов ўрнатилган⁴⁹. XX аср биринчи чорагида ва ҳатто 50-60 йилларгача меҳмонхонали уйлар қишлоқдаги санокли хонадонларда бўлган ҳалос. Ўтмишда тоғли қишлоқ аҳолиси хонадонларида мебель бўлмаган. Уй соҳиблари девор бўйлаб тўшалган кўрпачаларда ўтириб, гиламга тўшалган дастурхондан таом ейишган. Фақат қишда сандал устига дастурхон тўшалган. Кўрпа-ёстиклар очик ҳолда, меҳмонга тўшаладиганлари “бўғжом”⁵⁰ да

⁴⁶ Дала ёзувлари. Зомин тумани, Чолқишлоқ қишлоғи. 2019 йил.

⁴⁷ ЎзР МДА. И-18-жамғарма, 1-рўйхат, 10935-иш, 48-варақ.

⁴⁸ Жабборов И.М. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. – Б. 85.

⁴⁹ Ўзбеки. – Москва: Наука, 2011. – С. 242, 243.

⁵⁰ Бўғжом – кўманчи ва ярим кўманчи аҳоли орасида кенг тарқалган тўртбурчак шаклда жундан тўқилган рўзгор буюми бўлиб, кўрпа-тўшак, кийим-кечакларни сақлашда ва ташишда ишлатилган.

сандиқ устига тахлаб сақланган. Баъзида тахланган кўрпалар устига сўзана ёпиб кўйилган. Деворга қоқилган ёғоч миҳ ёки тортилган йўғон арқонларга кийимлар, турли уй жиҳозлари илиб кўйилган⁵¹.

1966 йил 27 августдаги “1966-1970 йилларда СССР қишлоқ хўжалигини электрлаштириш тўғрисида”ги қарори⁵²га мувофиқ, 1970 йилда Сангзор-Зомин минтақаси қишлоқларининг тўлиқ электрлаштирилиши⁵³, Зомин-Жиззах, Бахмал-Ғаллаорол йўналишларида асфальт йўлнинг қурилиши, 1968 йилдан қишлоқларда магазин, буфетлар очилиши, водопровод суви билан таъминланиши, турмушга радио, телевизор, кир ювиш машиналарини кириб келиши қишлоқ аҳолиси ҳаётини ўзгартириб анча яхшиланди.

XX аср 70-йилларидан Сангзор-Зомин қишлоқлари, аҳолининг уй-жойлари, кийим-кечаклари ва таомларида сезиларли ўзгаришлар бўлди. Дастлаб темир йўл станцияси ёқаси ва М-39 магистрал йўл трассаси бўйида жойлашган Ғаллаорол шаҳри ва унинг атрофидаги Бахмалсой, Болғали, Қонли, кейинчалик Зомин, Пишағор, Аччи ҳамда Бахмал туманидаги Ўсмаат ва Новқа каби туман маркази ва йирик қишлоқларда замонавий турар-жойлар қурилишида, аҳолининг кийим ва таомларида кўплаб янги ўзгаришлар пайдо бўла бошлади. Авлиё, Новқа қишлоқларида янги қурилиш ашёлари (тош, пишиқ ғишт, тунука, деразалар учун ойналар), европача бичимдаги кийимлар ва иноэтник таомлар дастлаб бой хонадонларда, сўнг ўрта ҳол хўжаликларда ҳам тарқалди. Туман маркази вазифасини бажарган Қорақишлоқ, Ўсмаат, Зомин шаҳарчаси, Пишағор каби ўнлаб йирик қишлоқларда анъанавий уйларнинг ички ва ташқи кўринишлари, кийим-кечак, тақинчоқ ҳамда таомлар тури ўзгара борди. Дастлаб колхоз раиси, бухгалтер ва ўқитувчилар уйларида шифтни фанер билан қоplash, турли нақшлар безаш, европача бичимдаги кийимлар кийила бошланади⁵⁴. Бунга асосий омил, қишлоқларнинг кўпчилик ёшлари Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Янгиер каби йирик шаҳарлардаги олий ўқув юрти ва техникумларида ўқиб келиши, Россиянинг турли ҳудудларида армия сафида хизмат қилиб келиши натижаси ҳам дея изоҳлаш мумкин.

Диссертация учинчи бобининг учинчи параграфи “*Тўй маросимларидаги харажатларнинг оила ижтимоий-иқтисодий ҳолатига таъсири*” деб номланади. Бизнинг тадқиқотларимиз ва бевосита шахсий кузатувларимиз натижаларига кўра, тоғли туманлар аҳолисининг тўйга тайёргарлигини XX асрнинг бошлари ва 1950-60 йилларигача бўлган давр ҳамда 1970-90 йиллари даври, 1991-2000 йиллари учун фарқли хусусиятлари билан ажралиб турувчи қуйидаги мезонлар: а) оиланинг моддий ҳолати; б) ҳудудга хос урф-одат ва удумлар; в) яшаш шароити ёки турмуш тарзи билан белгиланади. Ўз навбатида, оиланинг моддий аҳолидан келиб чиққан ҳолда тўйга тараддуд ва харажатларнинг ўзи 1) тўйга тайёргарликни қисқа муддатда амалга

⁵¹ Салимов Т.У. Нурота ва нуроталиклар. – Тошкент: Университет, 2019. – Б. 169.

⁵² Хазратқулов А. Рост материального благосостояния колхозного крестьянства Узбекистана (1966-1975 гг.). – Ташкент: Узбекистан, 1982. – С. 18.

⁵³ Дала ёзувлари. Зомин тумани, Жалойир, Пишағор қишлоқлари, Бахмал тумани, Оққўрғон қишлоғи. 2019 йил.

⁵⁴ Дала ёзувлари. Бахмал тумани, Оққўрғон қишлоғи. 2019 йил.

оширадиган ўзига тўқ ва бой хонадонлар ҳамда 2) тўйни “эл катори” ўтказадиган оилаларда фарқланиши кузатилди.

XX аср бошларидан то сўнггига қадар бўлган даврда тоғли туманлар ўзбек ва қирғиз аҳолисининг оилавий маросимлари орасида “хатна тўй”, “ўғил тўй”, “суннат тўй”, “никоҳ тўйи” алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Қишлоқлар катта-кичиклигига қараб ҳамда тўй қилувчи оила сонидан келиб чиқиб, ўртача бир мавсумда ўн ёки йигирмата, ҳафтасига бир ёки иккита тўй ўтказган.

Ўзбекистоннинг бошқа тоғли ҳудудларида бўлгани сингари Сангзор-Зомин минтақасида ҳам тўйларда яқин қариндошлар (амаки, тоға, жиян, амма, хола ва х.), гаштакчи жўра (дўст) ва кўшничилик ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, тоғли туманлар қишлоқ оилаларида ҳозиргача она томонидан қариндошларнинг, айниқса, тоғанинг роли катта. Албатта, тоғ ва тоғолди минтақалари қишлоқларида ҳеч қайси тўй энг яқин қариндошларнинг ёрдамисиз ўтмайди. Қариндошларнинг ҳар бири ўзига аниқ бир вазифани олиб, кимдир меҳмонларни кутиб олишни, кимдир яна бошқа юмушларни ўз бўйнига олади. Улар моддий ва маънавий томондан ҳам тўй эгасининг оиласига анча кўмак берадилар. Тўёна беришдан ташқари “дастурхон”лик (тўйга кетадиган нон, конфетлар, пиширик, озиқ-овқатлар дастурхонга ўраб олиб келинади)ни тайёрлаб келишни ҳам бўлиб оладилар. Мисол тариқасида, Бахмал тумани Оққўрғон, Темирқадам каби қишлоқларида ўтказилган дала тадқиқотларида, айнан тўй эгасининг қариндошлари, яқин кўни-кўшнилари бир ёки икки тандир нонни ёпиб бериш ҳамда шу орқали тўй эгасига иқтисодий ёрдам бериш анъанаси советлар даврида ҳам, ҳозир ҳам сақланиб келаётганлигини эслатиб ўтиш зарур⁵⁵.

ХУЛОСА

XX асрда Сангзор-Зомин минтақасида кечган этноиктисодий жараёнларни ўрганиш асносида қуйидаги хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. XX аср бошларидан тадқиқотчилар иқтисодий антропология тадқиқот объекти сифатида этносларнинг хўжалигини махсус ўрганишда дастлаб “примитив иқтисод”га урғу берган бўлсалар, кейинроқ 30 йиллардан эса “деҳқонлар иқтисоди”ни тадқиқ этишга эътибор қаратила бошланди.

2. XX асрнинг иккинчи ярмида маржинализм назарияси ўз аҳамиятини йўқотиб, “формалистик”, “субстантивизм”, “институционализм” каби тамойил ва назариялар кенг ёйилди. Иқтисодий-маданий муаммоларнинг этник жихатларига эътибор қаратила бошланиши “этноиктисодиёт” – фанлараро илмий йўналишни таркиб топишига хизмат қилди.

3. Ўзбек этнологияси мисолида олиб қарайдиган бўлсак, адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур масала совет фанида қабул қилинган хўжалик маданий типлар тамойили асосида тадқиқ этилган.

4. Советлар давридаги тадқиқотларда асосан анъанавий хўжаликлар, социалистик типдаги жамоа хўжаликлари (колхоз ва совхоз), оила, маиший

⁵⁵ Дала ёзувлари. Бахмал тумани Оққўрғон, Темирқадам, Новқа қишлоқлари. 2019 йил.

турмуш тарзи масаласи кабиларнинг иқтисодий жиҳатларига эътибор қаратилди.

5. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳам хўжалик маданий типлар тамойилини қўллаш давом этди, аммо сўнгги ўн йилларда хорижий назарий-методологик ёндашувларни ўрганиш асносида замонавий ёндашувларни тадқиқотларда фойдаланишга интилиш кучайди.

6. Сангзор-Зомин минтақасига хос суғорма ва лалми, тоғ деҳқончилиги аҳоли этноиқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган.

7. Сангзор-Зомин минтақасида нисбатан кам меҳнат талаб этгани ва даромадли соҳа бўлгани учун кўйчилик (қозоқи, жайдари (туркона) ва хисори зотлари) иқтисодий самарадорлик жиҳатидан етакчи ўринни эгаллаган.

8. 1967 йили “Санта-Гертруда” қорамол зотининг келтирилиши натижасида насли чорвачилик ривожлана бошлаши хамда ушбу чорва соҳасининг аҳоли чорвачилигида етакчи ўринга чиқишига имкон берди. Бу эса ўтган асрнинг 80 йиллари охири ва 90 йилларнинг бошидаги иқтисодий ўтиш даврида ўзига хос иқтисодий “тиргак” вазифасини ўтаган.

9. XX асрдаги тўлқинсимон иқтисодий жараёнлар шароитида тоғли ҳудуд чорвадорларининг моддий таъминот тизимида жамоавий иқтисодий ҳамкорлик институти – “ошначилик” муҳим ўрин тутди. Мазкур институт ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

10. Тоғ ва тоғолди ҳудудлари аҳолисида ҳунармандчилик азалдан деҳқончилик ва чорвачиликка ёрдамчи соҳа бўлиб, ҳудуд аҳолиси ҳунармандчилик билан махсус шуғулланмаган.

11. Бозор иқтисодиётига ўтиш, мамлакатимизда кичик ва ўрта тадбиркорликка қатта йўл берилган шароитда уй ҳунармандчилиги ва касбларида қадимдан қолган анънавий ҳунармандчилик турларини тиклаш ва йўлга қўйиш, касб-ҳунар эгаллаш эҳтиёжини вужудга келтирди. Натижада оиланинг иқтисодий вазифасини ижобий ҳал қилиш, унинг бюджетини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди. Сўнгги йилларда қишлоқ аҳолиси орасида уй ҳунармандчилиги ва рўзгор касб-корлари кўшимча даромад келтирувчи ёрдамчи хўжалик сифатида ривожланиб бормокда.

12. XX асрда бозор муносабатларининг ривожланиши натижасида Сангзор-Зомин минтақасида ишлаб чиқарувчи кучлар ва муносабатлар тараққий этиши, ички ва ташқи савдонинг ўсиши маҳаллий аҳоли этноиқтисодий ҳаётида улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг товар даражасининг ошишига ва янги даромад манбаларининг пайдо бўлишига олиб келди.

13. Сангзор-Зомин минтақасидаги бозорлар ҳам халқ меҳнати билан етиштирган маҳсулотини олди-сотти қилишда, айрибошлашда, кундалик турмуш учун зарур бўлган маҳсулотлар (буғжамо, хуржун, гилам, палос, кигиз, қоп ва арқон, чакмон кабилар)ни харид қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

14. XX асрнинг бошларида аҳоли иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар (товар-пул, корандалик ва ёлланма ишчи кучидан фойдаланиш,

жамоалаштириш ва ҳ.к.) йирик патриархал оилаларнинг парчаланишига олиб келсада, аммо олис, чекка қишлоқларида айрим унсурлар қисман сақланиб қолган.

15. XX аср давомида Сангзор-Зомин минтақаси тоғли туманлар аҳолисининг оила бюджети, ижтимоий-иқтисодий турмуши, ҳаёт фаровонлиги даражаси шахсий деҳқончилик хўжалиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ўтроқ аҳолининг ердан (зироатчилик, боғдорчилик ва бошқа) даромади умумий ялпи даромаднинг $\frac{1}{2}$ дан $\frac{3}{4}$ гача қисмини ташкил этган. XX асрнинг 60-йилларидан кейин деҳқон хўжаликлари оила даромадининг кўшимча қисми ҳисобланган томорқа экинларига эътибори кучая бошлади.

16. Мустақиллик йилларига келиб, Сангзор минтақаси аҳолиси иқтисодий даромад турлари ва манбаи кенгайиб, томорқа ва боғ участкалардан келадиган даромад барча пул даромадининг асосий қисмини ташкил этди. Бу даромадларнинг кўпроқ уй қуриш ва таъмирлаш ҳамда уни замонавий жиҳозлашга сарфланаётгани аҳолининг турмуш сифатига оид қарашлари ўзгараётганини билдиради.

17. Сангзор-Зомин минтақасида маросимлар ва даромадларнинг ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш таҳлили шуни кўрсатадики, XX асрнинг 1970-йилларигача маросимлар турлари кўп, аммо сарфланадиган харажатлар кам бўлган бўлса, 1980-1990 йилларга қиёслаганда маросимлар қисқариб, соддалашганини, аммо харажатлар анча ошиб, дабдабазлик кузатила бошланди.

ТАКЛИФЛАР

1. Тадқиқотлар давомида тоғли туманлар экотизимига зарар етказилаётган омиллар мавжудлиги кузатилди. Шу сабабли, тоғли худудлар экологик муҳофазасини таъминлашнинг таъсирчан чорасини ишлаб чиқиш, хусусан, томчиллатиб суғориш усули орқали сув захираларини тежаш, юқори даромад келтирувчи доривор, шифобахш ўсимликларни етиштириш ва бу чораларнинг иқтисодий самарали эканлигини тарғиб қилиш.

2. Сангзор-Зомин минтақасида чорвачиликни ривожлантириш ва яйловларнинг яроқсиз ҳолатга келиб қолиши хавфини олдини олиш учун улардан режали ва самарали фойдаланиш тизимини яратиш, наслчилик бўйича аҳоли тўплаган тажрибалари унутилиб кетаётганлигини инобатга олиб, соҳада эришилган ютуқлар асосида тажриба алмашинув жараёнининг наслчилик ишларини йўлга қўйиш.

3. Қишлоқ жойлари аҳолисини доимий иш билан таъминлаш чоралари сифатида агросаноат кластерлари фаолиятини жонлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоқлаш, экотуризм тизимини йўлга қўйишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ИСТОРИИ АКАДЕМИИ
НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

АКБАР ДАВУРБАЕВИЧ БАБАБЕКОВ

**ЭТНОЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ В ГОРНЫХ РАЙОНАХ
УЗБЕКИСТАНА В XX ВЕКЕ
(НА ПРИМЕРЕ САНГЗАР-ЗААМИНСКОГО РЕГИОНА)**

**07.00.07 – Этнография, этнология и антропология
АВТОРЕФЕРАТ**

**ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ИСТОРИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номер В.2018.3PhD/Tar256.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.fati.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz)

Научный руководитель:

Турсун Усарович Салимов кандидат исторических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Алишер Худойбердиевич Данияров
доктор исторических наук, профессор

Акбар Равшанович Тагаев
кандидат исторических наук

Ведущая организация:

Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019. Tar.56.01. по присуждению ученых степеней доктор исторических наук (DSc) и доктор философии (PhD) при Институте истории АН Республики Узбекистан (Адрес: 100060. город Ташкент, улица Шахрисабзская, 5. Институт истории АН РУз. 8-этаж. Зал заседания. Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (+99871) 233-39-91, e-mail: info@fati.uz Институт Истории АН РУз).

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии Наук Республики Узбекистан (зарегистрирована за №____). (Адрес: 100170, город Ташкент, улица Зиёлилар, 13). Тел.: (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 233-34-41.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки №____ от «_____» _____ 2021 года).

Азамат Зиё
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.и.н., профессор

М.Х. Пайзиёва
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.и.н.

Н.А. Аллаева
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.и.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Интенсивное течение социально-экономического прогресса планетарного масштаба даёт возможность усилить интеграционный процесс в экономической и хозяйственной деятельности народов мира. Сохранение характерных местных этноэкономических структур и хозяйственно-культурных традиций, а также их использование приобретают важное значение в осуществлении национальных целей и задач для стабильного развития стран в качестве решения проблем, связанных с продовольственной безопасностью, безработицей, реальными доходами населения и экологией.

В ряде ведущих научно-исследовательских центров мира приоритетное значение придаётся изучению экономической жизни, традиций создания материальных благ, присущих различным социальным, национально-этническим и аграрно-хозяйственным обществам. В них особое внимание уделяется теоретическим и практическим проблемам экономической антропологии, касающимся таких тем, как социально-экономическое, культурное разнообразие, этноэкономическая структура народов, проживающих в определенной природно-географической среде. Решение этих проблем поставлено во главу угла деятельности международных организаций и научных учреждений, в числе которых следует назвать Продовольственную и сельскохозяйственную организацию ООН (FAO), Центр стратегических и международных исследований (CSIS), Европейское общество центральноазиатских исследований (ESCAS), Международный институт азиатских исследований (IIAS).

Осуществляемые в последние годы полномасштабные экономические реформы в Республике Узбекистан служат обеспечению процветания страны и благосостояния населения. “Экономические реформы и социальные изменения измеряются, в первую очередь, эффективностью степени влияния их на материальное положение и благосостояние, повышение уровня и качества жизни населения”¹. Именно поэтому на современном этапе особое внимание уделяется изучению таких проблем, как “повышение уровня жизни и доходов населения, сокращение уровня малообеспеченности населения, укрепление продовольственной безопасности и содействие устойчивому развитию сельского хозяйства, обеспечение производительной занятости, рациональное использование водных ресурсов, защита и восстановление экосистем суши”². В связи с этим, актуальность приобретает историко-этнологическое изучение происходивших на протяжении XX века этноэкономических процессов и изменений в повседневной жизни населения, а также локальной культуры, сформировавшейся в разных историко-

¹ Мирзиёев Ш. Мы вместе построим свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – С.15-16.

² Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № ПКМ – 841 “О мерах по реализации Национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года” от 20 октября 2018 г. // <https://lex.uz/docs/4013356>.

этнографических регионах и сохранившей уникальные особенности этнохозяйственных традиций.

Диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, обозначенных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г., № УП-5975 «О мерах по кардинальному обновлению государственной политики в сфере развития экономики и сокращения бедности» от 26 марта 2020 г., № ПП – 4709 «О дополнительных мерах по специализации регионов республики на производстве сельскохозяйственной продукции» от 11 мая 2020 г., а также в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № ПКМ-841 «О мерах по реализации Национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года» от 20 октября 2018 г. и в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан 1. «Формирование системы инновационных идей и пути их осуществления для социального, правового, экономического, культурного, духовно-образовательного развития информированного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. В ходе изучения темы был проанализирован обширный массив работ по этноэкономике и этноэкономическим процессам, осуществлённых представителями этнологической, экономической, исторической и других отраслей науки нашей страны и мира³. Историография избранной темы содержит в себе проблемно-хронологический анализ привлечённых источников и литературы.

Исходя из анализа работ и новых концептуально-методологических подходов, все имеющиеся источники и литература разделены на четыре группы: 1. литература периода господства Российской империи; 2. литература опубликованная в советское время; 3. научные произведения, изданные в годы независимости; 4. литература, изданная за рубежом.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках планов научно-исследовательских работ и фундаментального проекта ОТ-Ф-109 «Земельно – водные отношения в Узбекистане (с древних времён до наших дней)» (2017-2020 гг.) Национального университета Узбекистана.

Цель исследования заключается в раскрытии этноэкономических процессов XX века на примере горных районов Сангзар-Зааминского региона.

Задачи исследования:

проанализировать основные методологические и научно-теоретические подходы, связанные с экономической антропологией и этноэкономикой,

³ Подробный историографический анализ исследования содержится в первой главе диссертации.

изучить историографию проблемы;

выявить правдивость и объективность сведений по теме на основе сравнения произведений, связанных с этнографическим изучением Сангзар-Зааминского региона, с официальными архивными документами и полевыми этнографическими исследованиями;

выявить особенности хозяйственной деятельности населения горных и предгорных районов, показать основные факторы влияния на эту сферу, место торговых отношений в ускорении экономических процессов и их социальное значение в образе жизни населения;

проследить динамику изменений доходов и расходов в семейной экономике на протяжении XX века и её влияние на образ жизни сельского населения;

выявить вопросы, касающиеся изменений этноэкономического характера и разработать перспективные предложения для их решения.

Объектом исследования обозначены этнохозяйство и экономическая жизнь населения Сангзар-Зааминского региона.

Предмет исследования составило этнологическое изучение трансформаций и этноэкономических новаций в хозяйственных традициях населения Сангзар-Зааминского региона и их влияния на уклад жизни сельской семьи.

Методы исследования. В диссертации использованы такие методы научного исследования, как историко-сравнительный анализ, статистико – сравнительный подход, непосредственное наблюдение, проблемно-хронологический анализ и интервью.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

раскрыты основанные на традиционном хозяйстве и рыночной экономике этапы цепного развития этноэкономики, сформировавшейся на базе таких научных принципов и теорий экономической антропологии, как маржинализм, формализм, субстантивизм, институционализм;

выявлено, что приоритет аграрной отрасли, сочетание натуральных и мелкотоварных форм производства, замкнутая система домашнего хозяйства, экстенсивный тип занятости и преобладание ручного труда в Сангзар-Зааминском регионе привели к формированию в хозяйственной деятельности горного населения таких неофициальных институтов общинного характера, как “мирабство”, “хашар”, “ошначилик”;

подтверждено, что этнохозяйство (земледелие, животноводство, домашнее ремесло) послужило главным фактором, защитившим от кризиса материальный уровень жизни населения в условиях “волнообразного экономического процесса”, возникшего в результате неравномерного течения различных политических, социально-экономических процессов, происходивших в регионе на протяжении XX века;

этнографическими материалами обосновано, что экономика обрядов населения Сангзар-Зааминского региона и временные изменения компонентов материальной культуры на протяжении XX века были неразрывно связаны со

стабилизацией семейного бюджета (размер доходов и расходов), а также с источниками дохода (приусадебный участок, сад, скот).

Практические результаты исследования заключаются в следующем:

